



## МУСТАҚУЛЛИК АРАФАСИДА

*Ўзбек мухолифати лидери Муҳаммад Солиҳ 1992 йил бошида Козогистонда бостириб, Тошкентда яширин равишида тарқатган «Давлат сирлари» китобида илк даъфа мустақилликни «мустақуллик» деб атаб, сиёсий адабиётга янги ибора киритган эди. Ўша пайтда бу бир сўз ўйинига ўхшаб кўринган ва баъзилар Муҳаммад Солиҳдан хафа ҳам бўлишган эди. Аммо, мана, 25 йилдан кейин бу сўзнинг «ўйин» эмаслиги маълум бўлди. Қўйидаги шу кичик бир манзара бунга катта далил бўла олади, марҳамат, ўқинг.*

### Таҳририят

Мустақиллик байрами яқинлашгани туфайли, йўллардаги бутун постлар кучайтирилган. Ҳар доимгидек, байрам муносабати билан халқнинг тинчлиги бузилиб, пайтавасига қурт тушиб қолган. Ҳукуматнинг хурмача қилиқларидан тўйган одамларнинг “байрам” деган сўз меъдасига теккан.

Йиллар бўйи олиб борилган бездириш сиёсати туфайли улар мустақилликка душманга бўлгани каби муносабатда бўлади. Тошкентда ундан ҳам баттар. Бир гуруҳ ҳукумат бошидаги ва хавфсизлик ташкилотлари учун уюштириладиган бу ов халқ учун қони зарар. Байрам арафасида тижоратчиларни хавфсизлик

бахонасида ғорат этадилар. Уларнинг дўконларига бостириб кириб қўлларидан товарларини тортиб оладилар. Шу учун кўравериш кўзи пишган кўпчилик шу кунларда ишни тўхтатиб туради. Кўпчиликлар ҳар эҳтимолга қарши товарларини кимса билмас жойларга яширадилар....

Вилоятларда эса режим посбонлари ундан ҳам ажабтовур ишларга қўл уришмоқда. Хусусан вилоятлардан биридаги муҳбиримизнинг хабар беришича, мустақиллик байрами муносабати билан бутун Республикада овчиларнинг қўлидаги қурол-яроғлар йиғиштириб олинishi буюрилган экан. «Ички ишлар бошқармасида бўлганимда, бунга ўз кўзим билан кўрдим. Худудлардаги собиқ миршаблар ва посбонлар ўзларига бириктирилган овчиларнинг милтиқларини келтириб топшираётган эдилар», — дейди у. Айтишларича, туманларда мингдан ошиқ расмий рўйхатга олинган қурол-яроқ бор экан. Овчилар бошлиғининг айтишича, республика миқёсида уларнинг сони икки юз мингтадан кам эмас экан. Уларнинг йиғиштирилиши сабаби, кимса билмас халқ ичидаги сиёсатдан норози гуруҳларнинг уларга эга бўлмасликлари, байрам арафасида ишқал чиқармасликлари учун экан.

ЎХХ ахборот бўлими

## “Шапка”ли машиналар

«Озодлик» муҳбири Садриддин Ашурнинг радиодан хабар беришича, Қарши шаҳридаги автосалондан келаси йил машина олиш учун фақат («шапка») пора берганлар шартнома олган. Қўқонда эса катта рўмол ўраган аёл маъмурий жавобгарликка тортилиб, жарима солинган. Бу ҳақда ОзодМикрофонга қўнғироқ қилган тингловчилар гапириб беришган.

Масалан, Қарши шаҳрида тадбиркорлик қиладиган Баҳодир Нусуров уч йилдан буён Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган Nexia автомобилени ололмаётгани айтиб, шундай дейди:

- Уч йилдан буён Қарши шаҳридаги автосалонга қатнайман. Ҳеч йўқки шартнома ололсам. Ахийри июнь ойида GMнинг Тошкентдаги идорасига арз қилиб борган эдим. Менгабу йил шартнома оласиз деган хат берган эди. Лекин бу йил ҳам қуруқ қолдим. Уч кун давомида Қаршидаги автосалон олдида ур-тўполон бўлди.

Бу автосалон порахўрлар уюшмаси бўлиб қолган экан. Ўзларининг танишлари ва кимки 1000-2000 доллар пора берган бўлса ўшалар шартнома олди. Бошқа одамларни эса қувиб чиқарди. Тўқсондан ошган бир отахонни у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа суришди, бечора у ҳам шартнома ололмади.

Хуллас, оддий одамлар яна қуруқ қолди. Бизлар билан итдай гаплашди. Президентимиз бу заводни халқ учун қурганку, бу порахўрлар эса бундан ўзларига катта пул қиляпти,- дейди Баҳодир Нусуров.

ЎХХ ахборот бўлими



## Ўзбекистонда навбатдаги умумхалқ ҳашари эълон қилинди

Ўзбекистонда шу кунларда ободонлик ва тозалик ойлиги бўлиб ўтмоқда. Мазкур ойлик доирасида 16-17 август кунлари умумхалқ ҳашари бўлиб ўтиши эълон қилинди.

Ҳафтанинг дам олиш кунларига тўғри келадиган икки кун давомида ободончилик ва тозалаш ишлари олиб борилади.

Ҳашар давомида болалар боғчалари, майдончалар, боғлар, қабиристонларни тартибга келтириш, ариқлар ва каналларни тозалаш режалаштирилган.

Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига кўра барча вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ҳисобига ўтказилади. Ушбу маблағларнинг эҳтиёжмандларга моддий ёрдам учун йўналтирилиши айтилмоқда.

UZBEK.FM

## Пайвандлаш ишлари Тошкент марказида йирик ёнғинга сабаб бўлди

10 август куни Тошкент шаҳридаги Оққўрғон (Собиқ Новомосковская) кўчасида жойлашган тўрт қаватли уйнинг томида куз-қиш мавсимида тайёргарлик мақсадида пайвандлаш ишлари олиб борилди. Гувоҳларнинг сўзларига кўра айнан мана шу пайвандлаш ишлари бино томида ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлган.

Ёнғин жойига ўт ўчирувчилар бригадаси етиб келишган. Бироқ, гувоҳларнинг таъкидлашича, бу вақтга келиб тўрт қаватли бино томининг катта қисмини қамраб олган оловни ўчиришга кўпик етмай қолган. Шу сабабли цистернани кутишга тўғри келган.

Ёнғин қийинчилик билан ўчирилган, бироқ ўт ўчирувчиларнинг ишлари натижасида учинчи ва тўртинчи қаватда жойлашган бир нечта хонадонлар зарар кўрган.

Интернет ижтимоий тармоқларида қолдириган хабарларга кўра бинодаги балконлар сув ва кўпик билан тўлган.

UZBEK.FM



## Сноуден нимани яширапти?

АҚШ Миллий Хавфсизлик Агентлигининг собиқ ходими Эдвард Сноуден ИШИД террорчилик гуруҳини тузган учта истихборат ташкилотидан баҳс этди FarsNews тарқатган хабарга кўра, АҚШ Марказий Истихборат Ташкилоти ва АҚШ Миллий Хавфсизлик Агентлигининг собиқ ходими Эдвард Сноуден Америка, Англия ва Исроил истихборатларининг террорчи Ироқ ва Шом Ислон Давлати (ИШИД) ни тузиш учун биргаликда ҳаракат қилишганини иттифоқ қилди.

Сноуден АҚШ, Англия ва Исроил истихборатларининг дунёдаги бутун террорчилик экстремизмини «The Hornet's Nest» яъни «Қовоғари уяси» номли стратегия асосида бир ерга жамлашга ҳаракат қилганини таъкидлади.



Собиқ жосус, Исроилни муҳофаза қилишнинг ягона йўли, Ўрта Шарқда Исроил билан фикрлари қарама-қарши бўлган гуруҳларни ўз назоратига олиб Ислонга қарши янги душманлар яратишдан иборат эканлигини маълум қилди. Бундан ташқари, хабарда АҚШ истихборатига асосланган маълумотлар билан бир қаторда қуйидагилар баён қилинади: «ИШИД лидери

Абубакир ал Боғдодий бир йил давомида МОССАД тарафидан тезкор ҳарбий билим, диний ва нотиклик санъати бўйича таълим олгани маълум бўлди». деб ёзади FarsNews

Бизнинг назаримизда Американинг Си Ай Эй (Марказий Истихборат Ташкилоти) нинг собиқ агенти Сноуден ўша ўзи тилга олган учта давлат истихборат ташкилотлари стратегиясидаги энг муҳим бир жиҳатни эътироф қилмаяпти. Бу жиҳат шундан иборат: Бугунгача исломий радикалларга курашда Америка ва Ғарб ўлкалари фақат Ўрта Шарқ ва бошқа мусулмон давлатларда фаолият олиб борди, аммо ўз мамлакатларидаги исломий радикалларни ифшо қилиб, бартараф қила олгани йўқ.

Юқоридаги «халифалик» жозибаси ўша ғарб давлатларидаги радикалларни бир нуқтага тўплаш ва тўпланиб бўлгандан сўнг ҳаммасини бир зарба билан йўқ қилиш учун қурилган бир тузоқдир. Чунки халифалик мусулмон ёшлари учун ҳақиқатан ҳам бир идеалдир. Самимий ва иймонли ёшларда ислом давлати куриб, бу давлатда эмин-эркин яшаш орзуси доим кучли бўлган. Улар бу йўлда курашиб шаҳид бўлиш учун талпинадилар. Буни яхши билган ғайри муслим давлатларнинг истихборатлари ИШИДни айнан мана шу диндор, идеалист ва жанговор ёшларни бартараф қилиш учун қургани кун ўтган сайин бўртиб кўринмоқда.

Сноуден бу глобал фитнанинг муҳим жиҳатини нега яширапти? Бунинг сабаби ҳам яқинда маълум бўлади албатта.

ЎХХ ахборот бўлими





## Тошкентдаги «Чинни бозор»да 150та дўкон ёниб кул бўлди

Тошкентдаги «Чинни бозор» ҳудудида 12 августга ўтар кечаси йирик ёнғин содир бўлди. Бу ҳақда ижтимоий тармоқларда хабарлар ва ёнғин фотосуратлари тарқалди.

Ёнғин ярим тунда соат 12 яримда бошланган, деб ёзади Озодлик. Зангиота ҳуқуқ-тартибот идораларидан олинган маълумотга кўра, ёнғинни ўчиришга жами 18та ўт ўчириш машинаси жалб

қилинган.

«Ёнғинни ўчиришга нафақат Зангиота тумани, балки кўшни туманларнинг пожарний машиналари ҳам жалб қилинди. Чилонзор туманидан битта бригада борган. Жами 18 та машина чиқди. Соат 02:12да ёнғин ўраб олинган ва соат 03:07да ўчирилган. Ёнғинни ўчиришга шу бир соатча вақт кетган», деди Озодлик манбаси.

«Чинни бозор»да савдо қилувчи тадбиркорларнинг айтишича, ёнғин натижасида камида 150та дўкон ёниб кул бўлган.

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасига қарашли Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси навбатчи диспетчерининг Би-би-сига маълум қилишича, ёнғин ҳақида хабар 12 август тунги 00:31 да келиб тушган.

«Ходиса жойида тахлилий ишлар олиб борилмоқда. Нима сабабдан ёнғин келиб чиққани маълум эмас», — дейди навбатчи.

Навбатчи диспетчер ёнғин сабаблари ўрганилаётганини билдирган. Ёнғин натижасида жароҳатланганлар борасида бирор маълумот йўқ. «Чинни бозор» номи билан машҳур бозор Тошкентдаги «Абу Саҳий» бозори рўпарасида жойлашган.

Ижтимолий тармоқларда қолдирилган изоҳлардан маълум бўлишича, ёнғин мебель дўконидида келиб чиққан. Сешанба товарлар улгуржи сотиладиган кун бўлгани учун раста ва омборларнинг мол билан тўла бўлгани ёзилмоқда. Маълум бўлишича, ёнғин туфайли «Бунёдкор» шох кўчасининг ушбу бозорга олиб борадиган қисми маълум вақтга ёпилган.

**ЎХХ ахборот бўлими**

Шу кунларда Ўзбекистондаги Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти экспертлари нега одамлар маҳалла посбонларини жиддий қабул қилмаслиги сабабларини ўрганиш устида бош қотиришмоқда.

Экспертларнинг сўзларига кўра маҳалла посбонлари бугунги кунда ўз мажбуриятларига кирмайдиган қўшимча ишлар билан банд бўлиб қолганликлари уларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашишдан иборат бўлган асосий вазифалардан чалғитиб қўймоқда.

«Уларнинг асосий вазифалари ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада аҳоли билан турли профилактика тадбирларини ўтказиш, вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онгини захарлаб, уларни турли диний экстремистик ғоялар таъсирига олиш мақсадида бундай ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи шахсларни, қонунга хилоф диний таълим берувчиларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик тарбиявий ишлар олиб бориш орқали ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи органларга кўмаклашишдан иборат.

Бирок, шунга қарамасдан уларга кўпинча коммунал тўловларни ундириш, маҳалла ҳудудининг тозалигини сақлаш каби ишларни топшириб қўйишмоқда. Бу ишлар уларни асосий вазифалардан чалғитиб қўймоқда. Посбонларнинг махсус



## Маҳалла посбонидан қўрқиб керакми?

формалари ва гувоҳномалари ҳам йўқ. Шу сабабли ҳам одамлар уларни жиддий қабул қилишмайди», — дейди Институт экспертлари.

Бу ерда маҳалла посбонларини жиддий қабул қилиш деганда одамларнинг улардан ҳайкиб, ҳадиксираб туришидан бошқа маъно келиб чиқмайди.

«Маҳалла посбони» институтнинг республика ҳуқумати бўлган Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низоми моҳиятига кўра Ўзбекистон

Конституциясига ва амалдаги қонунчиликка зид эканлиги ҳақида «Давлат «маҳалла»лари ёки маҳалла ичидаги ноқонуний тузилма ҳақида» номли мақоламизда батафсил маълумот бериб ўтгандик.

Ҳозирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун сидқидилдан хизмат қилишни ва шу орқали ҳокимиятга, айниқса куч ишлатар тизимларга яқинроқ бўлишни орзу қилган маҳалла посбонлари сони республикада 50 минг кишидан ортиқни ташкил қилади.

**ЎХХ ахборот бўлими**

## Ўз халқини алдаган ҳукумат мавзусига қайтиб...

Жорий йилнинг 5 август кунини саҳифамизда «**Ҳукуматнинг навбатдаги фирибгарлиги**» номи остида эълон қилинган хабаримизда Ўзбекистон ҳукуматининг 1992 йилдаги 12 фоидали ички ютуқли заёми облигациялари бўйича индексация коэффициентини белгиланлиги, бироқ пулини олиш учун банкка борган облигация эгаларининг алданиб қолганликлари ҳақида сўз юритгандик.

Облигациялар бўйича индексация коэффициентлари қай тарзда ҳисоблангани ҳақида ҳукумат томонидан расмий тушунтиришнинг берилмагани кўпгина мутахассислар томонидан ҳам фирибгарлик сифатида баҳоланди ва бир қанча интернет нашрларида ушбу ҳолат билан боғлиқ танқидий мақолалар эълон қилинди.

Хусусан, 12 август кунини [iqti-sod.uz](http://iqti-sod.uz) саҳифасида



эълон қилинган мақолада муаллиф давлат облигацияларининг умумий қиймати билан бир қаторда улар бўйича давлат мажбуриятларининг ҳукукий асосларига ҳам тўхталиб ўтади.

Мақолада шу йилнинг 5-март кунини чиққан Вазирлар маҳкамасининг 51-сонли қароридан иқтибос келтирилади:

«...давлат томонидан қабул қилинган мажбуриятларни сўзсиз бажариши, фуқаролар омонатларининг кафолатли химоя қилинишини таъминлаш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида...»

«Лекин амалда аҳолининг бунга муносабати мутлақо бошқача бўлди. Индексация тўғрисидаги қарор 1992-йилдан буён энг кам иш ҳақи 1373 (бир минг уч юз етмиш уч) баробар ошганини таъкидлаб туриб, индексация кўпайтирувчисини 1.373 (бир бутун мингдан уч юз етмиш уч) этиб тайинлади.

Агар энг кам иш ҳақи

инфляцияни ҳисобга олган десак, 1992-йилдан буён нархлар тахминан 1373 баробар ошган. Яъни 22 йил давомида сўм 1373 баробар ўз қадрини йўқотган. Лекин, нимагадир, эълон қилинган қарорга мувофиқ давлат қарзлари 1.373 баробарга (37.3%га) ошган, холос.

Бу ҳолат кўпчиликда саволлар уйғотди. Балки, расмий баёнотларда ушбу индексация кўпайтувчисини асослаб берилса — нега ва қандай

давлат бюджетини амалга ошириш ҳисоботида кўра, 2014-йилнинг биринчи ярмида давлат бюджетига 14 триллиондан ортиқ кириш бўлган.

Ундан ташқари, қутилмаган ҳолларда давлат белгиланган бюджетдан ЯИМнинг 1% қийматига ортиқча маблағ сарфлаши мумкин. 2013-йилда ЯИМ 51 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган. Демак, давлат ортиқча 510 миллион АҚШ доллари (давлат курси бўёча

тахминан 1 триллион 275 миллиард сўм) сарфлаши мумкин. Бу ҳам бўлмаса — Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг 42-моддаси бор экан:

Давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларидан келиб чиқувчи тўловларни амалга ошириш учун

ҳисоблашларга таяниб шу қарорга келинганини айтилса, шунча тахмин ва саволлар бўлмасмиди?», — деб ёзади муаллиф.

Муаллифнинг сўзларига кўра, самарали иқтисод кўп жиҳатдан иқтисодий бирликларнинг ўзаро ишончига боғлиқ. Давлат эса — энг катта иқтисодий бирлик, иқтисоддаги ҳал қилувчи иштирокчи.

Аҳолининг давлатга бўлган ишончи тушиши — узок муддатда жуда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

«1992-йилда 2.5 миллиардлик облигация чиқарилган. Дейлик, бугун аҳоли қўлида шундан 1 миллиард сўмлик қимматли қоғоз қолган. Бу суммани бугунги нархларда ҳисобласа, 1 триллион 373 миллиард сўм бўлади. Катта маблағ — уни тўлаш ҳисобга олинганмикин?»

Ҳар йилги бюджет лойиҳасида давлат қарзларини қоплаш учун маблағ ажратилади.

Молия Вазирлиги эълон қилган

маблағларни жамлашга шарт-шароит яратиш мақсадида республика бюджетини таркибидан кафолат жамғармаси тузилади...

Расмий манбаларда эълон қилинган индексация коэффициенти қандай қилиб ҳисоблаб чиқилгани тушунтирилмади.

Нима бўлганда ҳам, бу ҳолат халқнинг давлат қимматли қоғозлари ва банк тизимига бўлган ишончига каттиқ зарба берди. Давлат облигациялари турли хил иқтисодий вазифани бажаради.

Аммо энди бизнинг мамлакатда иқтисодни тартибга солиш воситаларидан бири бўлган давлат облигациялари амалда ишлатиш қийин бўлиши мумкин», — дейилади мақолада.

Мақола якунида муаллифнинг эътирофи этишича эндиликда давлат узок муддатга (ҳозирги ҳолат одамларнинг хотирасидан ўчгунга қадар) халқдан зарур бўлганда молиявий ёрдам олиш имконидан ўз-ўзини маҳрум қилди.

УХХ ахборот бўлими



Зулм режими инсонларни нафақат иқтисодий ёки сиёсий, балки маънавий жиҳатдан ҳам тубанликка туширади. Маънавий тубанлик туфайли содир бўлаётган жирканч воқеалар эса миллат тақдирига бефарқ бўлмаган инсонларнинг қанчалик ғазабини келтирмасин иқтидордаги режим эгаларининг парвои палак. Зеро режимнинг ўзи бошига рўмол ўраганларни ва иффатини саклаганларни жазолайди, ахлоқсизлик ва фоҳишабозликни рағбатлантиради.

Иккита Ўзбекистон халқ артисти акс этган видеолавҳадан олинган бу фотосуъратлар жамиятимиздаги маънавий тубанликка яққол мисолдир. Энг ачинарлиси, бу икки шоввоз санъаткор видео туфайли ижтимоий тармоқлар «юлдузи»га айланишганига қарамасдан, ҳали ҳам Ўзбекистоннинг расмий телевиденияси экранларидан тушишмайди.

Бу ҳолатга нисбатан Саид Аскар таҳаллусли тармоқ фойдаланувчиси шундай ёзади: «*Бу икки мараз ЎЗТВда чиқиволиб халққа шунақа насихат қилишади-ки, ўзлари ақлли ва ойю, халқ нодон ва қорадек туюлиб кетади. Анави манжалақининг эри жанжал қилган шу видео тарқалиб кетгандан кейин. Лекин гижжакчи кал бориб, кўрқитиб келмоқчи бўлган. Ўзбекистондаги артист ва ашулачиларнинг 90 фоизи шундай ифлос.*

Журналист Шухрат Бобожон ўзбек жамиятидаги маънавий ахлоқсизлик ҳақида ёзаркан, юқоридаги воқеани мисол сифатида келтиради: «*Бугун бир тўйдаги аёл ва эркакнинг шахвоний рақсидан*



## МАЪНАВИЙ ТУБАНЛИК САРИ

*газабланганлар суҳбатига ошно бўлдим. Негадир жамоат жойида ўз шахвониятини рақс воситасида намойиш қилишса ватандошларимизга жуда ёқмас экан. Лекин улар масалан халқ артисти Абдуҳошим аканинг яна бир халқ артисти (эрли жувон) Зулайхонинг кўкрагини гижимлаганига унча эътороз билдиришмайди. Ҳар холда кўздан панадам лифтни ичида. Кўл синса енг ичида дейдику..»,* деб ёзади журналист. Шухрат Бобожон «ижтимоий иккиюзламачилик»ка ишора қилади: Инсонлар кўз ўнгида содир бўлган бузукликка нисбатан эътирозларини билдиришадию, бироздан сўнг яна ўз ташвишлари билан йўлида давом этаверишади.

Д а р х а қ и қ а т , «халқ севган санъаткорлар»нинг бир меҳмонхона лифтидаги шармандали ҳолати акс этган видеолавҳа ўша вақтларда кўпчиликнинг қаҳру-ғазабини келтирган бўлса ҳам, бугунги кунга келиб, ҳеч ким бу ҳақда эсламай қўйди.

Шухрат Бобожон тилга олган ватандошлар ўша тўйдаги аёл ва

эркакнинг шахвоний рақсини ҳам бир зумда унитиб юборишади. Уларда бундай ҳолатларнинг авж олиб бораётгани, жамиятнинг маънавий қашшоқлашиб бораётгани сабаблари ҳақида ўйлаб кўришга ҳафсала ҳам, иштиёқ ҳам йўқ. Нега шундай ёки нима сабабдан жамиятимиз, одамларимиз маънавий оқсоқликка дучор бўлди, деган саволга жавоб излар эканмиз, масала яна ўша бузуклик хомийси бўлган режимга бориб тақалаверади.

Масалан, меҳнат лаёқатига эга бўлган аҳолининг аксарияти бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан жуда фаол. Бу фаоллик албатта кўшимча бойлик орттириш эмас, оила тирикчилигини таъминлаш билан боғлиқ фаолликдан иборат. Айнан мана шу иқтисодий фаоллик одамларимиз кундалик ҳаётининг мазмунига айланиб қолган. Чунки мамлакатдаги режим бу одамлар учун шундан бошқа фаолликнинг барча турларини таъқиқлаб қўйган. Бу биричи навбатда — аҳолининг СИЁСИЙ ва ИЖТИМОИЙ фаоллигидир. Иқтисодиётнинг ўзаги эса моддийликка бориб тақалади. Фақат моддийлик билан боғлиқ нарсалар онгни эгаллаб олиши маънавият билан боғлиқ тушунчаларни сиқиб чиқаради.

Ваҳоланки, маънавият билан йўғрилган ақл-идрок инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи жиҳатдир.

ЎХХ ахборот бўлими





## Мақсуд Бекжон: Гап дўппидами ё саллада?

бир арокхўрнинг ва ёки майиший бузук бир ижтимоий паразитнинг (улар жамият тараққиёти учун ҳеч нарса қилмайдилар) масжидга қатнайдиغان бир одамдан кўра кўпроқ «сиёсийлашган» бўлиши ҳақидаги фараз ва тахминлар кулгулидир. «Халқ

пассивлигини диний акидалар билан оқлаши мумкин, аммо бу — динга, диндорликка қарши курашишга сабаб бўлолмайди. Агар бу нарса шунга сабаб бўлса, худди шундай шаклда «ўз бола-чақасининг тинчлигини ўйлаб» сиёсатга аралашмаётган косибнинг, деҳқоннинг, зиёлининг, ишбилармоннинг ва ҳатто давлат мансабдорининг ва ёки бошқа касб эгаларининг ҳам сиёсий фаол бўлишига ҳалал бераётган нарсага, яъни, уларнинг «бола-чақаси»га қарши ҳам тарғибот олиб боришга тўғри келади.

Сўнги пайтларда халқнинг сиёсатга бепарқ бўлиб қолаётганига ягона сабаб — унинг диндорлиги, қабилдаги гап-сўзлар кўпайиб кетди.

Бундай гаплар шундай қарорли равишда ва шу қадар кўп тақорланаяптики, ўлкамиздаги аҳволдан хабари бўлмаган одам, «бу мамлакат роса сиёсатчиларга тўла экан-у, шу қоқ диндорларгина кўпчиликдан ажралиб, худбинларча ўз икир-чикирлари билан овора бўлиб ётган экан», деган фикрга келиши аниқ.

Масжидга бориш билан «сиёсийлашув»нинг бир-бирига тескари пропорционал эканлиги ҳақда ўзбеклар ичида кенг тарқалган фикр — янглишдир. Ўз маишатида, хузуридан бошқа нарса ни ўйламайдиган «секуляр», «лойик», «дунёвий»

жомега қатнагани учун сиёсатдан узок» деган алмисокдан қолган тушунча, «дин афюндир», деган марксистик ақида хали-бери ўзбекларнинг миясидан чиқадиган кўринмаяпти.

Аполитизм фақат диндорларга эмас (зотан, диндорлар аҳолининг жуда оз қисмини ташкил қилади) бутун жамиятимизга теккан хасталиқдир.

Ўзбекистонда биронта сиёсийлашган сиёсий арбобни, сиёсийлашган зиёлини, сиёсийлашган тадбиркорни ва ёки бошқа бир касб эгасини топиш мумкинми? Йўқ, албатта. Шундай экан, ҳатто «сиёсатчилар»нинг ўзи ҳам сиёсатдан ташқари бўлган бир жамиятда мохиятан доим сиёсатдан бир оз узок бўлиши керак бўлган динни ва диндорларни айблайверишда бир мантқиқ борми?

Албатта, диндорлар ўз сиёсий

Умуман олганда эса, «сиёсатга аралашмай турган» диндорни худди шундай сиёсий пассив вазиятдаги косиб, деҳқон, зиёли ва ҳатто давлатнинг «йирик сиёсий арбоблари»дан кўра анча сиёсий фаолроқ дейиш мумкин. Юқорида зикр этилган касб эгаларидан фарқли ўларок, диндорнинг жамиятга нисбатан тутган «позицияси» ва дунёқарши бор ва уни жиддий олмаслик мумкин эмас. Хуллас, муаммолар ҳақида гапиришдан олдин ҳар ким аввало, ўз дўпписини хонтахтага кўйиб, муаммоларнинг илдизлари ҳақида бир оз мулоҳаза юритгани ва шундан кейингина уни бошқалар билан баҳам кўргани маъқул.

**Мақсуд Бекжон**

## “Ўзнефтмахсулот”: мамлакатда бензин тақчиллиги йўқ

“Ўзнефтмахсулот” ўз расмий мурожаатида Ўзбекистондаги ёқилғи қуйиш шахобчаларида бензин тақчиллиги билан боғлиқ ажиотаж яратмасликка чақирди.

«...сўнги пайтларда республикадаги баъзи ёқилғи қуйиш шахобчаларида, шу жумладан Тошкент шаҳрида ҳам автобензин олишда навбат юзага келмоқда. Бу эса мамлакат аҳолиси орасида тушунмовчиликни юзага келтирмоқда ва ҳавотир уйғотмоқда. Натижада хом ашё етишмовчилиги ва махсулотни қайта ишлаш билан боғлиқ асосиз миш-мишлар пайдо бўлмоқда. Бу гап-сўзлар ҳақиқатдан йироқдир», — дейилади мурожаатда.

“Ўзнефтмахсулот” акциядорлик компанияси республикада ёқилғи махсулотлари билан боғлиқ ҳеч қандай муаммо йўқлигини даъво

қилади.

«Республикамизда халқаро стандартларга жавоб берувчи ёқилғи-мойлаш махсулотларининг барча турлари узлуксиз ишлаб чиқарилмоқда», — дейилади “Ўзнефтмахсулот” мурожаатида.

Маълумки ҳар йили Ўзбекистонда пахта мавсуми бошланган пайтда бензин ва дизел ёқилғилари ҳосилни йиғиб териб олишга сафабар этилиши натижасида куз ойларида тақчиллик пайдо бўлиши кузатилади.

Бироқ нефт махсулотлари таъминоти учун масъул идоралар ҳудудлар учун ажратиладиган бензин ёки дизел ёқилғиси ҳажми камайганини таъкидлаб келишади.

Таҳлилчиларнинг фикрича, ёқилғи тақчиллиги юзага келишига Ўзбекистонга четдан нефт

махсулотларини импорт қиладиган ширкатлар дуч келган муаммолар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу ширкатларнинг кўпчилиги ўзларининг сўмдаги даромадларини конвертация қилишда муаммоларга дуч келишади.

Ушбу ширкатлар яна Ўзбекистонга махсулот олиб киришлари учун Россия ёки Қозоғистондаги ишлаб чиқарувчиларга пул тўлашлари лозим, бироқ расмийлар тушунтириш бермаётган сабабларга кўра, импортчи ширкатларнинг сўмлари қаттиқ валютага алмаштирилиши жиддий муаммо саналади. Натижада айрим ширкатлар буткул фаолиятини тўхтатишига тўғри келган, айримлари эса импортни кескин чегаралаган.

**ЎХХ ахборот бўлими**



## Таваккалчиликми ёки тузоқ?

Тошкентда 1 сентябрда нишонланадиган мустақиллик байрамига тайёргарлик доирасида хавфсизлик чоралари кучайтирилгани ҳақида хабар бергандик. Ҳар йилгидек байрам олдида пойтахтда паспорт режими қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича рейдлар ўтказилмоқда, «қоидабузарлик» содир қилган шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўрилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати учун ҳар йили анъанага айланган тадбирлардан бири жорий режим хавфсизлигига нисбатан ташқи таҳдидлардан ҳимояланиш мақсадида байрамдан бир ой олдин қўшни республикаларни чегараларнинг вақтинча бир томонлама ёпилиши ҳақида огоҳлантиришидан иборат. Бироқ, бу йили мустақилликнинг 23 йиллиги олдида анъаналарга зид равишда Тожикистон Республикаси фуқароларининг чегаралардан ўтиб Ўзбекистон ҳудудига кириб келишларига тўсиқ қўйилмайди.

Ўзбекистоннинг Душанбедаги дипломатик ваколатонаси вакилининг Азия-Плюс агентлигига берган маълумотида кўра, бугунги кунда барча ўзбек-тожик чегара пунктлари одатдаги режимда ишламоқда ва тегишли ҳужжатлари бор фуқароларнинг чекловларсиз чегарадан ўтишларига рухсат берилган.

«Бу йили Ўзбекистондаги мустақиллик байрами олдида ўзбек визасини олиш истагида бўлган Тожикистон фуқаролари сони кескин камайиб кетди. Бунинг сабаби кўпчилик фуқароларнинг бу йил байрам кунлари чегараларнинг ёпилмаслиги ҳақида билмасликлари билан боғлиқ», — дейди дипломатик вакил.

Маълумки, Ўзбекистонда президент иштирокида ўтадиган ҳар қандай оммавий байрам тадбирлар олдида мамлакат ичкарасидаги хавфсизлик билан бир қаторда чегаралардаги хавфсизлик чоралари ҳам фавқултда кучайтирилади. Одатда ҳар бир оммавий байрам тадбиридан бир ой олдин қўшни республикаларнинг тегишли идоралари олдида огоҳлантирилган ҳолда чегаралар вақтинчалик ёпиб қўйилади.

Айниқса расмий Тошкент томонидан ҳар доим хавф-хатар манбаи сифатида кўрилган ўзбек-тожик чегарасининг бу йилги йирик байрам олдида очик қолдириши шубҳали ва ғайри оддий ҳол ҳисобланади.

**ЎХХ ахборот бўлими**



## «Диктаторнинг мукофоти мен учун ҳақоратдир!»

Голландиянинг машҳур газеталаридан бири бўлган AD эълон қилган «МН17 дан сўнг профессор Путинга фахрий докторлик даражасини қайтаради» (Professor zendt eredoctoraat na МН17 retour aan Poetin) номли мақолада ёзилишича самолётсозлик соҳасидаги голландиялик профессор Эгберт Торенберг ўзининг фахрий докторлик даражасини Москвага қайтарди ва бошқа олимларни ҳам шундай қилишга даъват қилди.

Делфт Университети профессори ўз қарори устида бир ҳафта мобайнида қаттиқ ўйлаган. У МН17 Малайзия авиалайнерининг Донецк устида уриб туширилиши ва Кремль раҳбарининг тинимсиз агрессиясига норозилик ва жавоб тариқасида 15 йил олдин Москва авиация институти томонидан берилган докторлик фахрий даражасидан воз кечди. «Менинг ўз илмий даражамдан воз кечишим — бу сизнинг президентингизга бошқарилмайдиган ракета учун айнан у жавобгарлиги тушунтиришнинг ягона йўлидир», — дея таъкидлайди профессор Москва авиация институти ректори Герашенкога йўллаган мактубида.

«Бу бизнинг университет талабасининг ўлдирилганлигига ишоратдир. Мен бу воз кечиш орқали рус дўстларимга ҳам ишорат қилмоқчиман. Масала шундаки улар самолёт уриб туширилгандан хурсандмилар ёки уларни хурсанд қиладиган нимадир борми ўзи? Улар ўз ишларини арзимаган пул эвазига қилишади. Уларнинг бунга мажбурлигидан мен афсусдаман. Бироқ бундай вазиятда улар ҳеч бўлмаганда мен каби онгли қарор қабул қилишлари мумкинку! Менинг дунёни ўзгартириш каби ҳаёлларим йўқ. Бироқ мен ўйлайманки олимлар ва илмий ходимлар жамият учун ва жумладан талабалар учун ҳам этик хулқ-атвор намунаси

бўлишлари лозим», — дея қўшимча қилади профессор. Профессор Россия президенти сифатида Путин сайланганида қаттиқ афсусланганини таъкидлайди. «Сўнги йилларда Россияда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Вазият эса борган сари таранглашиб бормоқда», — деб ёзади профессор Торенбек.


Профессор Торенбек БМТнинг авиахалокат сабабларини текширишга қаратилган резолюция қабул қилинишига қарамасдан Боингга қарши кўпорувчиликни тан олмаганидан ғазабда эканини айтади. Профессор Россиянинг Украина ва Чеченистондаги аракатларикоралайди (in conflicten met Oekraïne en Tsjetsjenië) ҳамда Ироқ ва Сурияга тинимсиз равишда қурол-яроқ етказиб бераётганлиги туфайли зўравонликларнинг кучайиб бораётганини таъкидлайди.

«Бу менда Россия келажагига нисбатан пессимистик қарашни пайдо қилди», — деб ёзади профессор. Профессорнинг иши унинг ҳамкасблари ва дўстлари туманидан тўлиқ қўллаб-қувватланган ва унинг ташаббусини қабул қилишган. Торенбекнинг ёзишича, Боингнинг ҳалокати туфайли унинг Делфт ва бошқа университетлардаги бир қанча ҳамкасблари Петербург шаҳрида бўлиб ўтиши мулжалланган аэронавтика бўйича Халқаро кенгашнинг конференциясида қатнашишдан бош тортишган.

Илмий даражадан воз кечиш ҳақидаги мактубга нисбатан Москва авиация университети ректори Герашенконинг русларга ҳос муносабати профессорни ҳайратга солган. «Қандайдир оддий хизматчилардан бири менга электрон почта орқали ректорнинг дам олишда эканини ёзиб юборибди», — дейди Торенбек.

**ЎХХ ахборот бўлими**

(Давоми: Боши олдинги сонда)



**Лайё хотуннинг ташвишланиб, Айюб алайҳиссаломнинг ёнига келиши**

Айюб алайҳиссаломнинг завжаси Лайё хотун эса ўз-ўзига “у мени ўзига емак едирмақдан нима учун манъ этди?” (120). Мен уни нечун ташлаб кетдим? (121) Ёнида ҳеч кимса йўқ (122). У очликдан (123), сувсизликдан (124) ўлса, мен нима қиламан? Мен унинг (гапига қарамай) албатта ёнига қайтаман, — деди (126) ва қайтди (127).

Аммо эрини ахлатхонада тополмади, у ўйлаган нарсаларидан ҳам ҳеч бири юз бермаганди. Аҳвол бошқача эди (128). Лайё хотун Айюб алайҳиссаломни ўтирган жойида тополмагандан кейин капалаги учди (129). Қурилган чодирнинг атрофини айланиб, йиғлади.

Бир оз нарида янги либос кийган бирзотнинг ўтирганини кўрди, аммо ёнига бориб, Айюб алайҳиссаломни сўрашдан тортинди. Шунда Айюб алайҳиссалом унга юмшоқ овозда:

- Эй Аллоҳнинг қули, кимни ахтараяпсан? — деди.

Лайё хотун йиғлаб:

- Шу ахлатхонада ўтирадиган мубтало зотни ахтаряпман. Ёки у ҳалок бўлди? Унга нима бўлди, билолмаяпман. Уни ит ёки бўри еган бўлиши ҳам мумкин (130). Эй Аллоҳнинг қули (131), Аллоҳ сенда бўлгани муборак этсин (132), сен шу ерда ўтирган (133), Аллоҳнинг пайғамбари бўлган (134) ўша мубтало зотни (135) кўрдингми (136)? Бу хусусда сенда бирон билги борми? — деб сўради (137).

Айюб алайҳиссалом:

- У сенга ким бўлади, — деди.

- У менинг эрим, — деди ва йиғлади Лайё хотун, — у шу ерда

эди, сен уни кўрмадингми (138)?

- Сен уни кўрсанг, танийсанми? — деди Айюб алайҳиссалом (139).

- Танийман (140). Мен уни қандай танимай? (141) Уни танимаслигим мумкинми? (142) доим кўриб юрган бир киши мен учун ҳеч гизли бўладими? — деди Лайё хотун ва унга кўрқа-кўрқа боқди:

- Валлоҳи, сиҳатли экан, унга сендек ўхшаган ҳеч кимни кўрмадим! (142) соғлигида Аллоҳнинг қуллари ичидан сенга энг менгзагани у бўларди (145), — деди Лайё хотун.

- Ўша — менман, — деди Айюб алайҳиссалом (146), — Аллоҳ сенга раҳмат этсин, мен Айюбман! (147)

- Аллоҳдан кўрк, мени масҳара

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (18).

этма (148), Эй Аллоҳнинг қули, менинг устимдан кулаяпсанми? — деди Лайё хотун.

- Аллоҳ сенга раҳмат этсин, мен Айюбман, Аллоҳ менга жасадимни қайтариб берди (149), — деди Айюб алайҳиссалом ва кулимсиради. Лайё хотун унинг қулишидан таниди ва унинг бўйнига осилди (150). Қучоқлашдилар (151).

Аллоҳу Таолонинг Лайё хотунни ҳам ёшартиргани ва ундан 16 та ўғил дунёга келгани ҳақда ривоятлар бор (152).

**Булутдан олтин чигирткаларнинг ёғиши**

Аллоҳу Таоло Айюб алайҳиссаломга бир малак (фаришта) индирди.

- Эй Айюб, балога қарши сабринг туфайли Аллоҳ сенга салом юборди. Хирмон еригача бор, — деди малак (153).

Айюб алайҳиссалом у ерга борди (154).

Аллоҳу Таоло у ерга (155) қизил (156) бир булут юборди. У булутдан устига олтин чигирткалар тўкила бошлади (157). Малак Айюб алайҳиссаломнинг ёнида тикилиб турарди (158). Айюб алайҳиссаломнинг хирмон худудидан ташқарига тушган чигирткаларни ҳам хирмонга қўшиш учун ҳаракат қилганда, малак:

- Хирмондагилар сенга етарли бўлмадики, ташқаридагиларни ҳам сакламоқчисан?, — деб сўради.

- Бу чигирткалар менинг Роббимнинг баракати, мен ундан тўйишим мумкинми?, — деди Айюб алайҳиссалом (159).

Пайғамбаримиз ҳикоя қилган

бир ҳадиси-шарифда шундай дейилади: “Айюб алайҳиссалом сувда ювиниб турганда, устига жуда кўп олтин чигиртка тушади ва уларни либосига тўлдирди. Шунда Аллоҳ:

- Эй Айюб, мен сени кўрганимдек бой қилмадимми?, — деди.

- Тўғри, Аллоҳим, бой этдинг мени, аммо сенинг фазлу баракатингдан тўймоқ мумкин эмас, — деди Айюб алайҳиссалом.” (160)

**Айюб алайҳиссаломнинг завжаси ҳақидаги яминини адо этиши**

Аллоҳу Таоло Айюб алайҳиссаломга завжаси ҳақида

этган яминини шундай адо этишни буюрди:

- “Кўлингга бир боғ новдани олиб, у билан (хотинингни) ур! Қасамингни бузма. Биз уни ҳақиқатан сабрли ҳолда кўрдик. У на гўзал қул эди. У доимо Аллоҳга қайтган (бир зот) эди.” (161)

**Айюб алайҳиссаломнинг вафоти**

Айюб алайҳиссалом ибтилодан қутилгандан кейин яна 70 йил яшаб, Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳаниф бўлган тавҳид динида вафот этди. Иброҳим алайҳиссаломнинг тавҳид динини Айюб алайҳиссаломдан сўнгра ўзгартирдилар (162). Айюб алайҳиссалом вафот этганида 93 ёшда эканлиги (163) билдирилса ҳам, ибтилодан аввал етмиш йил (164) ёки саксон йил (165) мўлкчилик ичида яшаганини (166), ибтилонинг еттинчи йилида айтганларини (167) ҳисобга олсак ва ибтилонинг 18 йил давом этганини (168), ибтилодан кейин Айюб алайҳиссаломнинг яна 70 йил яшаганини (169) ҳисобга олсак, унинг ёши 93 эмас, 150 дан ҳам кўпроқ бўлиши керак. Ҳолбуки, унинг икки юз (170), икки юз ўн ёшгача яшагани ҳақида ҳам айтишган (171). Айюб алайҳиссаломнинг қабри Басаниядадир (172). Унга ва юборилган бутун пайғамбарларга салом бўлсин!

**Исо алайҳиссаломнинг онаси Ҳазрати Марямнинг келиб чиқиши**

Ҳазрати Марямнинг отаси

(Давоми кейинги саҳифада)



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Имрон бин Масон бўлиб, Хубъум бин Сулаймон алайҳиссаломнинг уруғидандир (1).

Масон хонадони ҳам Исроил ўғилларининг қайтларидан, дин олимлари ва маслаҳатчиларидан эдилар (2).

Закариё алайҳиссалом билан Имрон бин Масон икки опа-сингилга уйланган бўлиб, Закариё алайҳиссалом завжасининг исми Ашё (Ишо) бинти Фахуд эди.

Имрон бин Масоннинг завжасининг исми Хонна бинти Фахуд эди (3).

Хонна Исо алайҳиссаломнинг онаси Ҳазрати Марямнинг онаси эди (4).

Хонна кексайиб, бола туғишдан ожиз бўлиб, бир дарахт соясида ўтирган бир пайтда (5), бир қушнинг поллопонига озик берганини кўриб, кўнглида бир ўғил кўриш орзуси пайдо бўлди (6).

Бир ўғил беришини тилаб, Аллоҳга ёлворди (7):

“Эй Аллоҳим, агар менга бир эркак бола эҳсон этсанг, уни Байтулмақдисга атардим, шукрона сифатида бу хизматга бериш бўйнимда қарз бўлсин”, — деди у (8).

Хоннанинг бу дуоси Қуръони

Хонна Ҳазрати Марямнинг туғмасидан олдин Имрон вафот этди (14).

(Хонна) кўзи ёригач эса бундай деди: “Роббим, мен қиз туғдим”. Холбуки Аллоҳ унинг нима тукқанини билгувчиروқдир ва ҳар қандай ўғил бу қиз каби эмасдир. “Ва мен унга Марям деб исм қўйдим. Мен бу қизга ва унинг зурриётига даргоҳингдан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришингни Сендан илтижо қиламан” (15).

Хонна қиз бола масжид хизматида уйғун эмаслигини билса ҳам ваъдасига мувофиқ Марямни кўтариб масжидга олиб борди ва Ҳорун алайҳиссаломнинг ўғилларидан бўлган, (17) дин олимларининг ёнига қўйди (18).

Шайба ўғиллари (19) Каъба ишларига қарагани каби, бу олимлар ҳам Байтулмақдиснинг ишларига қарар эди. Хонна уларнинг олдида чақалоқни қўйиб:

- Шу олдингиздаги чақалоқ бир назрдир, — деди.

Чақалоқни ҳамма ўзига олишни истади.

Аммо Закариё алайҳиссалом:

- Мен унга боқишга сиздан кўра лойиқроқман, чунки унинг холаси менинг завжамдир, — деди (20).

Имомлар Закариё

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (18).

Каримда шундай баён қилинади:

**“Эй, Муҳаммад), Имроннинг хотини: “Роббим, қорнидагини озодли бир қул ўлароқ сенга атадим, мендан бўлган бу назрни қабул эт. Шубҳасиз, Сен эшитгувчи ва билгувчисен, деганди (9).**

Одатда, назир қилинган бола Масжидда то вояга етгунча хизмат қиларди. Вояга етганида, у ерда қолиб хизматни давом этириши ёки кетиш унинг ихтиёрида эди (10). Аммо кетса, билдириб кетиши керак эди (11).

Масжид хизматида фақат эркак болалар назр қилинарди.

Қизлар, ҳайз кўришлари сабабли, бу хизматга уйғун кўрилмасдилар (12).

Хонна Ҳазрати Марямга ҳомила бўлиб, қорнидагини назр қилганда, эри Имрон:

- **Ҳолингга вой сенинг, нега бундай қилдинг? Агар қорнингдаги қиз бўлиб, бу атаганинг хизматга ярамаса нима қиласан?, — деди.**

Эр-хотин қайғуга тушдилар (13).

алайҳиссаломга:

- Бундай қилма, агар у халқ ичида энг лойиғига берилиши керак бўлса, ўз онасига берилиши керак (21). Лекин биз қуръа ташлашлик (22), қуръа кимга чикса, чақалоқ унинг ёнида қолсин, — дейишди.

Ва 19 киши Жор (Урдун) дарёси бўйига кетдилар.

“Таврот” ёзганда қўлланганлари қаламни сувга ташладилар.

Закариё алайҳиссаломнинг қаламидан бошқа бутун қаламлар сувга чўқди.

Закариё алайҳиссалом қизнинг тарбиясини ўз устига олди. Ва чақалоқни (Яҳё алайҳиссаломнинг онаси бўлган) завжасига топширди (24).

Чақалоққа каттайгунча (25) сут онаси (энага) тутдилар (26).

Ҳазрати Марям балоғат ёшига етганда (27), Закариё алайҳиссалом Масжидда унинг учун бир хона ясади. Эшик қўйди (28).

Каъбанинг ичига нарвонсиз чиқилмагани (29) каби, Ҳазрати Марямнинг хонасига ҳам нарвонсиз чиқиш мумкин эмасди.

Унинг ёнига Закариё алайҳиссаломдан бошқа ҳеч ким қира олмас эди.

У ҳар қуни қизнинг еб-ичишига ва бошқа зарур нарсаларини хонасига қўйиб, хонани қулфлар эди.

Закариё алайҳиссалом унинг хонасига киганда, қишда ёз мевалари, ёзда эса қиш мевалари турганини кўрарди ва унга:

“Эй Марям, булар сенга қаердан келди?, — деб сўрар, қиз эса:

“Бу Аллоҳ тарафидандир, — дея жавоб берарди (33).

Бу хусусда Қуръони Каримда шундай баён қилинади:

**“Бас Парвардигори уни (Марямни) хуш қабул айлаб, чиройли парвариш этди ва унга Закариёни қафил қилди. Ҳар қачон Закариё (Марямнинг) олдида хужрага киганида, унинг ҳузуридан бир ризқ насиба кўрди. У:**

- **Эй Марям, бу нарсалар сенга қаердан келди? — деб сўраганида, (Марям) жавоб қилди:**

- **Булар Аллоҳ ҳузуридандир. Албатта Аллоҳ ўзи истаган кишиларига беҳисоб ризқ берур (34)”.**

**“Эй Муҳаммад), ғайб (номаълум) хабарларидан бўлган бу хабарни Биз сенга ваҳий қилдик. Холбуки, сен улардан қайсилари Марямга қафил бўлишини билишлик учун қаламларини (Қуръа қилиб) ташлаганларида, уларнинг олдида эмасдинг ва талашиб-тортишганларида ҳам, уларнинг ёнида эмасдинг.” (35)**

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам Ҳазрати Марям билан боғлиқ ҳадиси шарифида шундай деган:

“Ўз замонида хотинларнинг хайрлиси — Имрон қизи Марям эди. Бу уммат хотинларнинг ҳайирлиси эса — Ҳадичадир (26)”.

Жаннат хотинларнинг устун:

Ҳадича бинти Ҳувайлид,

Фотима бинти Муҳаммад,

Марям бинти Имрон

Фиръавннинг завжаси Осиё бинти Мизоҳимдир (38).

**Ҳазрати Марямнинг ҳомила бўлиши ва Исо алайҳиссаломнинг туғилиши**

Ҳазрати Марям Масжиддаги хонасида ўзини шу қадар ибодатга бердики, у замонда унга монанд ҳеч ким йўқ эди.

*(Давоми келгуси сонда)*



## ОГОҲ БЎЛИНГ — «МЕҲМОНЛАР» КЕЛМОҚДА!

Мустақиллик байрами яқинлашгани сари одамни ҳаяжон босади, негадир эрталаб уйқудан уйғониш биланоқ меҳмонларни «ана кеп қолади, мана кеп қолади» деб аксар ўзбек хонадонлари эгаларининг кўзлари дарвозада тўрт булади, шунданми, баъзан одам гапларида адашиб кетади.

Бу байрам-эсда қоларли байрам бўлиб, бир-бирдан муътабар меҳмонлар ташриф буюришади. Кўзлари ўткир маҳалла раисларидан тортиб чапдаст, қулоқлари динг посбонларгача, узундан узун дубинкаси бор участкавойдан бошлаб муғамбир, кези келса икки пулга Ўзбекистоннинг тенг ярмини сотиб юборишга таппа тайер МХХ сигача галалашиб узун қисқа бўлиб кириб келишади.

Уй эгаси бу разил, э, азиз меҳмонларни кўйгани жой тополмай ўзида йўқ хурсанд, кимдир ошхонага чопган сув ичвогани, кимдир ҳожатхонага. Азиз меҳмонларга айтиб тушунтиришнинг ҳеч кераги йўқ, ўзлари билишади, ўз уйларидай ястаниб олишган, ахир Парвардигор аллақачон фаросатдан уриб кўйган. Меҳмонлар бемалол молхонаю оғилхона, ертулаю чордоқларнинг тит-питини чиқариб яйрашади, қарияларнинг сандиқларидан дейсизми, янги тушган келинларни шкафлариданми варақалар, наша, наркотиклар каби нарсалар қидиришади.

Баъзи хонадонларга топилмаганда ҳимат қилиб ўзлари билан олиб юрганларидан баҳам кўришади... Бу азиз меҳмонларнинг баъзилари ўта ҳае билан тарбия топган бўлиб, уй эгаларини захматга кўйганларидан ҳижолат бўлиб юзларига анъанавий маска тақиб олишади. Буни кўрган мезбонларнинг меҳмонларга бўлган хурмати янада ошиб, уй эгаларининг айримлари бемалол оёқ қўлларини узатиб юборишади.

Бу залил, кўзлари қип-қизил қон билан бўялган меҳмонларнинг қадам саслари уйдан узоклашгандан кейингина уй эгалари мамнуният билан уларнинг ва тарбия қилган ота-оналарининг ҳақларига қўл очиб дуода қолишади.

Анъанавий дуо тарзлари «тарбия қилган падарларинга лаънат» билан бошланиб, «президентинг билан қўшмозор бўл» сўзлари билан яқунланади. Меҳмондорчилик

бу билан тугамайди, уларнинг ортидан кўярда-қўймай, йўқ деганларига қарамай «скорый» деган машинада бир гуруҳ ялқов одамлар таклиф қилинади, улар хоҳласа мезбонларни укол қилади, хоҳламаса хушидан кетгангайм, юраги ўйнагангайм аспирин, маспирин деган дорилар билан сийлаб, буюк хизматлари учун берилган мўмайгина пулни чўнтакка уриб жуфтакни ростлашади.



Улардан кейин эса қўни қўшнилар кимдир ҳол-аҳвол сўрагани, кимдир текин томошага кириб келади. «Ишқилиб тинчликми?» деган саволларига қани энди зериктирмасдан кўшиб чатиб сайраб-сайраб берсангизу, улар яйраб-яйраб қикиб кетишса...

Мен негадир шу байрамни насронийларни жанозасига ўхшатгим келади. Мусиқа чалинади, ашула айтилади, аммо ҳаммани кўзида ёш, қалбида оғрик, нимадир етишмайди, факат ўлиб қолган одам хурсанд. «Мана сенлага» деб ниманидир кўрсатгиси келиб ўртада ажинасифат чол ўйинга тушади. Мана шунақа гаплар. Ўзбекистонда яқинда юкоридаги сценарий бўйича тадбир ўтказилади. Кимларгадир хорлик, кимларгадир борлик сабабчиси булган мустақиллик байрамнинг тинч ўтсин, азизлар! (муборак булсин дейишга ҳеч тилим ҳам, ёзишга қўлим ҳам бормади).

Ahmad

## Ўзбекистонда сафарбарлик чақируви резерви учун тўлов оширилади

Жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб сафарбарлик чақируви резерви (СЧР)да ҳарбий хизматни ўташ учун тўлов миқдори 11%га оширилади. Бу ҳақда Тошкент шаҳар Миробод тумани мудофаа бўлимининг СЧР бўлими вакили Podrobno.uz агентлиги муҳбирига маълумот берди.

Вакилнинг сўзларига кўра кейинги ойдан бошлаб СЧРда ҳарбий хизматни ўташ учун тўлов миқдори 2 959 962,5 сўмни ташкил қилади. 1 сентябргача бўлган муддат ичида шартнома тўловини эски нарҳда – 2 642 888,5 миқдоридан тўлаш мумкин. Мудофаа бўлими ходимларининг таъкидлашларича, тўлов нақд ва нақд бўлмаган шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Эслатиб ўтамыз, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар. Кўрсатиб ўтилган шахслар йигирма етти ёшгача сафарбарлик чақируви резерви хизматида бўладилар ва уни ўтагандан кейин Қуролли Кучларнинг иккинчи тоифали резервиге ўтказиладилар.

UZBEK.FM

## “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Урумчи аэропорти қоидалари ҳақида йўловчиларни огоҳлантирди

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси Урумчи шаҳар аэропортининг йўловчиларга нисбатан ўрнатган янги талаблари ҳақида хабар қилди, деб ёзади УзТАГ.

Ушбу талабларга кўра, жорий йилнинг 20 августидан бошлаб битта юкнинг оғирлиги 35 кг.дан ошмаслиги, унинг ҳажми эса 100смХ60смХ40см кўрсаткичларидан катта бўлмаслиги белгиланган.

Барча электрон жиҳозлар, маиший техника, автобутовловчи қисмлар ва бошқа метал буюмлар ҳамда механизмлар юк омбори орқали ҳужжатлар билан юк сифатида расмийлаштирилиши лозим.

UZBEK.FM



**АТОҚЛИ ШОИРИМИЗ  
ЖАМОЛ КАМОЛ ҒАЗОДАГИ  
МАЗЛУМ БОЛАГА БАҒИШЛАБ  
ГЎЗАЛ ШЕЪР ЁЗИБДИЛАР.  
ХУДДИ ШУНДАЙ ШЕЪР  
ЎРКЕНТДАГИ УЙҒУР  
ҚАРДОШЛАРИМИЗНИНГ  
ҚАТЛИОМИГА ҚАРШИ ҲАМ  
ЁЗИЛИШНИ ТИЛАЙМИЗ.  
УЛАРҲАМ МУСУЛМОНДИРЛАР,  
МУСУЛМОНЛИКЛАРИ УЧУН  
ҚАТЛ ЭТИЛМОҚДАЛАР!**

эркинлигига нисбатан олиб борган босимлар натижасида юзага келди. Хитой аскарларининг боши ўралган уйғур аёлларини қишлоқ майдонида йиғиб уларга нисбатан тажовуз қилишлари уйғурларнинг сабр қосасини тўлдирган охириги томчи бўлди. Минтақа аҳолисининг аскарларга қаршилик қилиши натижасида Хитойнинг қонхўр бошқаруви уйғур туркларига қарши қатлиомни бошлаб юборишди.

## Хитой, Ўркент қатлиомини тўхтат!

Шарқий Туркистонни ишғол остида тутган Хитой ўз қатлиомларини давом эттирмоқда. Рамазон байрамнинг биринчи куни Шарқий Туркистондаги Қашғар минтақасининг Ўркент туманида боши ўралган аёлларга тажовуз қилган Хитой аскарларига қарши чиққан уйғур туркларининг ўққа тутилиши ортидан бошланиб кетган ҳодисалар давомида Хитой аскарлари минтақада қатлиом уюштиришди.

Рамазон ойининг биринчи куни Хитой аскарлари даставвал Ўркент туманидаги Алишки ва Ханди қишлоқлари узра ҳаво ҳужуми уюштириб худудни вайронага айлантиришди. Шундан сўнг омон қолганларни «тозалаш» мақсадида танклар билан қишлоқларга кириб келишди.

Бу ҳақда мустақил ахборот агентликлари амалга оширилган қатлиом натижасида кўплаб болалар ва аёлларнинг ўлдирилганини ёзишди.

Шарқий Туркистоннинг қадим кенти ҳисобланган Ўркент туманида Хитой аскарлари томонидан амалга оширилган қатлиом натижасида иккита қишлоқ жўғрофий харитадан буькул ўчиб ташланди, 500 га яқин уйғур турклари ўлдирилди.

Хитойликлар томонидан «Шинкян (Синьзянь)» — «Янги эгалланган ерлар» деб номланган Шарқий Туркистон мухтор минтақасидаги воқеалар Хитойнинг уйғурларнинг эътиқод

Мусулмон уйғур туркларининг диний эътиқодларини чеклаш мақсадида Хитой ҳукумати биринчи навбатда рўза тутишни ва намоз ўқишни таъқиқлади. Уйғур эркакларининг соқол қўйишлари ва аёлларнинг бошларини ўраб юришлари ҳам таъқиқланди. Ҳаж зиёрати бутунлай таъқиқланган Шарқий Туркистонда масжидларга киришга ҳам руҳсат берилмайди. Ҳижобли аёллардан ҳижобларини ечиш талаб қилинмоқда. Бундан бош тортганлар эса жаримага тортилмоқда ёки турмаларга ташланмоқда.

## ШАРҚИЙ ТУРКИСТОННИНГ ЖЎҒРОФИЙ ҲОЛАТИ

2 млн. кв. км. га яқин худуди билан Хитой Халқ Республикасининг энг йирик бошқарув минтақаси бўлган Шарқий Туркистон расман мухторият саналсада Хитойнинг босқинчи ассимиляция сиёсати туфайли йиллардир зулм остида қолмоқда.

1933 ва 1944 йилларда иккита республика ташкил қилинган минтақа 1949 йилда ХХР томонидан ишғол қилинди. Шарқий Туркистонга 1955 йил 1 октябрда ХХР таркибида мухторият мақоми берилиб «Шинкян (Синьзянь)» деб қайта номланди. Шарқий Туркистон аҳолисига 1985 йилда қабул қилинган қонунчиликка кўра шаҳарликлар учун битта, қишлоқда яшайдиганлар учун иккитагача фарзандли бўлишга руҳсат берилган.

## ХИТОЙ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОННИНГ ЯДРО СИНОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ХУДУДГА АЙЛАНТИРДИ

Хитойнинг ядро синовлари Шарқий Туркистонликлар бошига тушган энг катта муаммолардан



биридир. 1966-1997 йилларда минтақада ўнлаб ядро синовлари ўтказилгани айтилади. Бу ҳолат минтақада ногирон болаларнинг туғилиши ва саратон каби тахликали касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

## ИСЁНЛАР ВА ҚАТЛИОМЛАР СОДИР БЎЛГАН ҚАДИМ ТУРК ДИЁРИ

2009 йил 5 июлда Урумчида босқинчилик сиёсатига қарши бошланган ғалаён Хитой курулли кучлари томонидан қонли бир тарзда бостирилди. Хитой манбаларига кўра 200, уйғур манбаларига кўра эса 5000 одам ўлдирилган. Ушбу воқеалардан сўнг эса норозилик билдирганлиги туфайли минглаб уйғурлар қамокхоналарга ташланди.

2009 йили Халқаро амнистия ташкилоти Хитой ҳукуматидан ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг сони бўйича маълумот беришини сўради. Бироқ, бу талаб эътиборсиз қолдирилди.

Хитой бу каби қатлиомларни амалга оширар экан бу воқеаларга нисбатан дунёнинг сассиз қолиши жуда ачинарли ҳолдир. Биринчи навбатда инсон сифатида барчамиз қатлиомга қарши турмоғимиз даркор. Туркиядаги инсон ҳуқуқлари жамиятларининг бу ҳодисага нисбатан муносабат билдираётгани жуда ғалатидир. Ваҳоланки улар ўн йиллардан бери Туркияда алоҳида бир давлат қуришни истаган қурд гуруҳларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келишди.

Южел ТАНАЙ





## Тошкентда Мустақиллик байрами олдидан хавфсизлик чоралари кучайтирилди

Тошкентда 1 сентябрда нишонланадиган мустақиллик байрамига тайёргарлик доирасида хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси хабар берди, деб ёзади Trend.

ИИББ вакилининг сўзларига кўра пойтахтда паспорт режими қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича рейдлар ўтказилмоқда, қоидабузарлик содир қилган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ҳокимиятлар ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда фавқулотда вазиятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Йўл патрул хизмати постларига автотранспорт воситалари синквотлик билан текширилмоқда.

Маҳаллаларда, корхоналарда, ташкилотларда ва ўқув муассасаларида фуқароларни огоҳликка даъват қилувчи тадбирлар ўтказилмоқда, «Ўз уйингни ўзинг асра» номи остида учрашувлар ва суҳбатлар ташкил қилинмоқда.

«Ички ишлар органлари томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда олиб борган бундай кенг камровли чоралар натижасида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлиги таъминланмоқда», — дея таъкидлайди ИИББ вакили.

2014 йил, 12 августъ  
«Тренд»

## Қарз

Бир кун қишлоққа борганимда жаноза устидан чиқиб қолдим. Мархум таниш эди, бордим. Имом, фоний дунёнинг ўткинчилиги ҳақида маъруза қилди, сўнг мархумнинг бўйнида қарзи бор-йўклигини сўради. Тобут ёнида, раҳматлининг амакиларидан бири турарди. Одатда, бундай пайтларда, қарз берганлар индашмайди. Ҳарқалай, воз кечиб юбормаса ҳам, ҳақ талашишнинг мавриди эмаслигини билиб, сукут сақлашади.

Лекин Имом ҳам шу ерлик бўлгани ва мархумнинг бўйнида жуда кўп қарзи борлигини ва қайтарилмаган қарзлар учун, мархум қаттиқ азобланишини инobatга олибми, саволни қайта-қайта бера бошлади. Қарз бериб турганлардан бири мархумнинг савлат тўкиб турган бой амакисидан нажот кутиб:

Мархум мендан қарздор эди. Бунга гувоҳларим ҳам бор деди. Имом, талабгорга қаради ва қарзи қанчалигини сўради. Талабгор бор дардини тўкиб солди. У сўзини тугатар-тугатмас унинг ёнига яна бошқа бир талабгор келди. Имом мархумнинг амакисига қараб мурожаат этар-этамас, талабгорнинг сони ортди. 6 кишига етди. Уларнинг айтиши бўйича мархум ўтган йили ҳамманинг пиёзини баҳолаб, насияга олган ва вагонга ортиб Россияга олиб кетган. Йўлда пиёзларни совуқ урган. То манзилга етиб, бозорга туширгунларича пиёз музлаб, чириб ишлатишга яроқсиз бўлиб қолган, сасиб кетган пиёзларни сотиш тугул, ёнидан пул тўлаб, чиқинди тўкиладиган жойга ортиб бориб ташлашган. Бир ой юриб-юриб зўрга уйига қайтиб келган. Уйга қайтган эса, пиёз берган дехқонлар ҳар куни бирма-бир келиб ҳақларини талаб қилаверишган. Уйдаги ҳамма нарса сотиб тугаллансада, қарзнинг ўрни қопланмаган. Орадан бир йил ўтса ҳамки ўзини ўнглолмаган одам шу бўйи ўзини ўнгломай, юрак ўйноғи билан оламдан ўтган. Ҳозир биз ўша одамнинг жанозаси устида бўлаётган жанжалнинг гувоҳи бўлиб тургандик. Имом мархумнинг амакисидан,

«Қолган қарзларни тўлашни, ўз бўйингизга оласизми, мархум гўрида тинч ётсинми» — дея баралла овоз билан сўради. Амаки индамади. Имом яна қайта сўради.

Амаки: «Бу жуда катта миқдордаги пул, мен масъулиятни бўйнимга олиб, Худо олдида ёлғончи бўлиб қолишни истамайман. Ана мархумнинг ўғли бор, омон бўлса балки бир кун узилиб кетар» — деди. Ўртага мархумнинг ўғли чиқарилди. У чопон кийиб, белини боғлаб олган. 10-12 ёшлардаги болакай эди. Болакай афтидан гап нимадалигини тушуниб турарди.

Майли мен отамнинг ҳамма қарзларини бўйнимга оламан — деди. Одамлар орасида норози оҳангдаги гап-сўзлар эшитилди:

«Бу қачон катта бўлади-ю, қачон пул топиб ҳақимизни тўлайди?»

Имом ҳам ўз вазифасини адо этиб бўлганини англаганидан елкасидан тоғ ағдарилгандай шоша-пиша жаноза ўқишга тушди. Лекин бўлиб ўтган ҳолат жуда аянчли ҳолат эди. Бундай савдо ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Ўз ҳаётини бундай яқунланишини ҳеч бир банданга раво кўрма эй Танграм!

Жанозадан сўнг тобутни ерга қўяр эканмиз, ҳамма бир сиким, бир сиким тупроқ олиб, гўрингда тинч ёт, Оллоҳ мушкулингни енгил қилсин деб, дуо қилиб, лаҳадга ташлади. Шунда, қарз берганлардан бири баланд овозда,

«Шу одам бизнинг қарзимизни тўлолмай оламдан ўтди, қарз ўрнига жонини берди, мен берган қарзимдан кечдим, шу одам гўрида тинч ётсин, қиёматда мен учун, ярим танаси куйган ҳолда тирилмасин, танаси бутун бўлиб тирилсин, Оллоҳ йўлига бағишладим» — деди. Унинг бу гапидан рухланган кекса оксоқоллар:

«Барақалла, балли, умринг узун бўлсин, қани яна ким бор, қарздан кечадиган,» — дея садо берди. Қарз берганлар бирин-кетин

«Мен ҳам кечдим, мен ҳам кечдим, шунча пулим бор эди, баҳридан ўтдим» дея розилик беришди.

Бутун жамоат худди бошларидан тоғ ағдарилгандай енгил тортди. Гўрга тупроқ ташловчиларнинг кетмон тортишлари жадаллашди.

**Манба:** «Хидоят излаб» (Холис Аллоҳ йўлида) гурӯҳи

### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt  
Муҳаррир: Замир Малик